

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
Қ А Р О Р И



ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

23 январь 2018 й.г. № 42

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Йўловчи автотранспортида фавқулодда вазиятлар профилактикаси  
ва уларнинг олдини олиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси  
Давлат чегарасидан ташқарига чиқадиган фуқаролар хавфсизлигини  
таъминлашга доир шошилиш чора-тадбирлар тўғрисида**

2018 йил 18 январь куни Қозоғистон Республикаси Актюбинск вилоятининг Иргизск туманидаги “Қалибой” аҳоли пунктидан 10 километр узоқликда, “Самара-Чимкент” автомобиль йўлининг 1068 километрида “Икарус” русумидаги йўловчи автобуси ёниб кетди. Ёнғин оқибатида қурбонлар ва жабрланганлар бор. Уларнинг 55 нафари Ўзбекистон Республикасининг фуқаросидир.

Иситиш мосламаси бўлмаган автобуснинг техник носозлиги, унда тез ёнувчи моддаларнинг бўлгани, ёнғинга қарши ускуналарнинг фойдаланишга яроқсизлиги, автобусда ортиқча йўловчилар бўлгани, салоннинг юклар билан тўлдирилгани, хавфсизликнинг оддий қоидаларига риоя этиш бўйича профилактика чораларининг йўқлиги автобус ёнишининг асосий сабаблари бўлган.

Йўловчи автотранспортида фавқулодда вазиятлар профилактикаси ва уларнинг олдини олиш, бундан буён бу каби фожиали воқеалар такрорланишига йўл қўймаслик, бахтсиз ҳодисалар ва йўл-транспорт ҳалокатлари юзага келишини бартараф этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасидан ташқарига чиқадиган фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш юзасидан комплекс шошилиш чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикасидан ташқарига йўловчи ташувчи автомобиль транспортида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича Республика комиссияси (кейинги ўринларда комиссия деб аталади) 1-иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

Қуйидагилар Комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш тартибининг бузилишига олиб келувчи шарт-шароитларни тизимли ўрганиш ҳамда уларнинг олдини олиш, меҳнат миграцияси жараёнларини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

хорижга чиқаётган фуқаролар ўртасида транспортда ҳаракатланиш вақтида хавфсизлик чоралари, хорижий давлатда бўлиш қоидалари, шахсий хавфсизлик бўйича зарур чоралар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида доимий тушунтириш ишлари ўтказилишини ташкил қилиш;

аҳоли ўртасида йўловчи автомобиль транспортида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида тушунтириш ишларини кучайтириш, республикадан ташқарига товарларнинг ноқонуний олиб ўтилишига, йўловчи автомобиль транспорти саломида ёнғиндан хавфли, портловчи, заҳарли, бадбўй, радиоактив моддалар ва буюмлар, шунингдек, ўқотар ва тигли қуроллар олиб ўтилишига йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олиш юзасидан зарур чоралар кўриш;

зарурат бўлганда, давлат-хусусий шериклик шароитида халқаро автобус қатновларини ташкил этиш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш;

хорижга чиқадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсиз ҳаракатланишни таъминлаш, хорижда бўлиш ва меҳнат фаолиятини амалга ошириш масалалари бўйича хорижий давлатлар ваколатли органлари ўзаро ҳамкорлик қилиш.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, ҳудудлардаги секторлар раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги фуқароларнинг хорижий давлатларга меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун уюшқоқлик билан чиқишини таъминлаш, ноқонуний чиқишга йўл қўймаслик, шунингдек, меҳнат миграцияси соҳасидаги қонунчиликка риоя этилиши бўйича шахсий масъулият юклансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳудудлардаги секторлар раҳбарлари ва Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши билан биргаликда хорижий давлатларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун фуқаролар гуруҳларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шакллантириш ва юбориш бўйича тизимли назорат ўрнатсин.

4. Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси, шунингдек, хорижга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини таъминлаш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи ҳудудий ишчи гуруҳларнинг (кейинги ўринларда ишчи гуруҳ деб аталади) намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қуйидагилар ишчи гуруҳларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

тегишли суҳбатлар ва сўровлар ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларида суҳбатлашишга алоҳида эътибор қаратиш йўли билан фуқароларнинг кетиш мақсадларини аниқлаш;

мамлакатдан ташқарига чиқадиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан йўловчи автомобиль транспортида (микроавтобуслар ва автобуслар) ҳаракатланишда хавфсизлик қоидалари ҳамда хорижда бўлиш қоидаларига риоя этиш тўғрисида тушунтириш ишлари ва инструктаж ўтказиш;

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган йўловчи автомобиль транспортида Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқишда – транспорт воситасининг йўлга чиқишдан олдин техник кўрикдан ва ҳайдовчининг тиббий кўрикдан ўтганлигини, ҳайдовчиларнинг автобус йўналишлари схемалари, шунингдек, йўлда об-ҳаво шароитлари, йўлларнинг ўзгариши ва йўлда ҳаракатланишни ташкил қилиш тўғрисидаги ахборот билан таъминлангани, автобуслар ва микроавтобусларнинг техник соз ҳолатда экани, тегишли лицензия карточкалари мавжудлигини пухта текшириш;

Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинмаган йўловчи автомобиль транспортидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида фойдаланишда – йўловчини хорижий ташувчининг транспорт воситасини тегишли техник ва санитария ҳолатида белгиланган жойга ўз вақтида қўйиш бўйича мажбуриятлари, йўловчининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари, шу жумладан кўрсатиладиган хизматлар рўйхати ва сифати, уларни кўрсатиш шартлари ва ҳаракатланиш йўналиши ҳақидаги аниқ ахборотни ўз вақтида олиш, унга ва униинг юкига етказилган зарар ёки зиённи қоплашни талаб қилиш ҳуқуқи тўғрисида хабардор қилиш. Ҳайдовчи транспорт воситасининг техник ҳолати ҳақида ахборот тақдим этмаганда ва йўловчида кўздан кечириш натижасида автобус ёки микроавтобуснинг техник носоз эканига шубҳа туғилганда, йўловчини кетиш фикридан қайтариш;

амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотни ҳар ойда умумлаштириш ва Комиссияга тақдим этиш.

6. Давлат чегарасидан ўтказиш пунктлари Чегарадош давлатлар билан ўтказиш пунктлари тўғрисида ҳуқуматлараро битимларда (*Қозғистон Республикаси билан 2001 йил 16 ноябрдаги, Туркманистон Республикаси билан 2007 йил 18 октябрдаги, Қирғизистон Республикаси билан 2004 йил 24 июлдаги ва Тожикистон Республикаси билан 2002 йил 12 февралдаги*) назарда тутилган шароитларда, шу жумладан 3-иловага мувофиқ Давлат чегарасидан автомобилларни ўтказиш пунктлари фаолият кўрсатиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Белгилансинки, 2018 йилнинг 1 февралидан бошлаб, йўловчилар билан Давлат чегарасидан ташқарига чиқадиган автобуслар ва микроавтобуслар йўлга чиқишдан олдин Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги давлат хизмати томонидан Ёнғин хавфсизлиги давлат хизмати вакиллари жалб этган ҳолда, автотранспорт воситаларининг ҳаракатланиш рўйхати ҳамда жадвалига мувофиқ техник кўрикдан ўтказилади.

8. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги:

автовокзаллар ва автостанцияларнинг рухсат бериш талаблари ва шартларига риоя этиши бўйича назоратни кучайтирсин, бунда ташиш хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги, техника хавфсизлигига риоя этилиши, йўлга чиқишдан олдин автотранспорт воситаларини техник кўриқдан ва ҳайдовчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш юзасидан талаблар бажарилиши, фақат лицензия қарточкаларига эга автотранспорт воситаларига хизмат кўрсатилишига алоҳида эътибор қаратсин;

худудий бошқармалар инспекторларининг ташиш хавфсизлиги ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя этилишини, автомобиль транспортида йўловчи ва юк ташийдиган автотранспорт воситаларининг лицензия қарточкалари мавжудлиги, ҳайдовчиларнинг меҳнат ва дам олиш режимига риоя этишини назорат қилиш бўйича фаолиятини фаоллаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқадиган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бориши зарурлигини инобатга олиб, чегарадош давлатлар билан халқаро йўлларда мунтазам йўловчи автобус қатновларини ташкил этиш тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси мамлакат ичида ва ташқарисида сайёҳлар гуруҳларини ташкил этишда транспортда ҳаракатланиш чоғида хавфсизлик қоидаларига риоя этиш бўйича асосий талаблар, хорижда бўлганда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида домий тушунтириш ишлари ўтказилишини таъминласин.

#### 10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

чегарадош давлатларнинг тегишли вазирлик ва идоралари билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ноқонуний ташиш ва улар иштирокида бахтсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида борган мамлакатда автотранспорт воситаларида хавфсизлик стандартлари ва талабларини такомиллаштириш юзасидан ўзаро ҳамкорликни таъминласин;

борган мамлакатада рўй берган ҳодиса оқибатида жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ҳамда консуллик муассасалари томонидан шошилиш ёрдам кўрсатиш чораларини кўриш механизмини икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Ташқи ишлар вазирлиги дахлдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда Қозоғистон Республикасининг Ақтүбинск вилоятида йўловчи автотранспортида рўй берган фавқулодда вазият оқибатида жабрланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш ишларини ташкил этишда ўзаро ҳамкорлик тажрибасини ҳисобга олиб, Хорижий давлатлар ҳудудида фавқулодда вазиятлар оқибатида жабрланган Ўзбекистон

Республикаси фуқароларига ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун белгиланган тартибда киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги томонидан хорижда ишга жойлаштириш учун танлаш ва ёллаш ташкил этилгани тўғрисида фуқароларни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ҳамда “sms” хабарлар юбориш орқали кенг хабардор қилиш ишларини фаоллаштирсин;

Ўзбекистон Республикасидан ташқарига вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чиқадиган республика фуқаролари учун эслатмани (кейинги ўринларда Эслатма деб аталади) бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда қуйидагилар назарда тутилсин:

транспортда ҳаракатланишда хавфсизлик қоидаларига риоя этишнинг асосий талаблари, хорижий давлатда бўлиш қоидалари, хорижга чиқадиган фуқароларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи миграция агентлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ишонч телефонлари ва веб-сайтлари электрон манзиллари, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли давлат органлари, шунингдек, бошқа давлатлар ҳудудидаги Ўзбекистон Республикаси элчихоналари ва консуллик хизматларининг телефонлари кўрсатилган ҳолда, одам савдоси ҳолатлари тўғрисида хабардор қилиш зарурлиги ҳақида огоҳлантириш.

Бунда ишчи гуруҳларни Ўзбекистон Республикасининг хорижга кетаётган ҳар бир фуқаросига бериш учун етарли миқдорда Эслатмалар билан таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳаракатланиш чоғида, хорижда бўлиш вақтида ўзини тутиш қоидалари, хавфсизлик чоралари, хорижий давлатда фавқулодда вазиятларга тушган фуқароларга ёрдам кўрсатадиган органларнинг ишонч телефонлари ҳақидаги ахборот акс этирилган стендлар ўтказиш пунктларида жойлаштирилишини ташкил қилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК ва “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти билан биргаликда хорижда иш билан таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси фуқароларини танлаш ва ёллашни ташкил этишда Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг марказлаштирилган буюртманомалари асосида авиация ва темир йўл транспортида ташиш учун авиа ҳамда темир йўл чипталарини имтиёзли тарифлар бўйича расмийлаштириш назарда тутилган Идоралараро битимни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

15. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК ва “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун республикадан ташқарига чиқадиган фуқаролар ўртасида эҳтиёж бўлган янги йўналишларни ташкил этиш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин, бунда:

чартер қатновларни амалга оширишни ва ҳаракатдаги темир йўл таркиби сонини, шу жумладан плацкарт вагонлар улушини кўпайтиришни;

бюджети паст бўлган хорижий авиа ва темир йўл компанияларини жалб этишни, шу жумладан “Россия темир йўллари” ОАЖ билан ҳамкорлик қилиш масаласини кўриб чиқишни назарда тутсинлар.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ўзбекистон Республикасининг хорижга чиқадиган фуқаролари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси МХХ Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмитасидан келиб тушадиган зарур ахборотни Комиссия, Давлат статистика кўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига ҳар ой тақдим этсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан билан биргаликда республика ташқарисига вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун кетадиган фуқаролар учун чегарадош давлатлар қонунчилигининг қоидалари ва талаблари тушунтирилган видеороликни ўн кун муддатда тайёрласин ҳамда унинг оммавий ахборот воситаларида мунтазам эфирга узатилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси тайёрланган видеороликнинг чегараолди божхона постларидаги мониторларда мунтазам намоиш этилишини таъминласин.

18. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А.Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 23 январдаги  
42-сон қарорига  
1-илова

**Ўзбекистон Республикасидан ташқарига йўловчи ташувчи автомобиль  
транспортида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини  
таъминлаш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи Республика комиссияси  
Т А Р К И Б И**

- Раматов А.Ж. - Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари -  
"Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бошқаруви раиси, *комиссия  
раҳбари*
- Хаитов А.А. - Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, *комиссия раҳбарининг  
ўринбосари*
- Раимов Б.Я. - Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, *комиссия  
раҳбарининг ўринбосари*
- Арипов К.М. - Фавкулудда вазиятлар вазирининг биринчи ўринбосари
- Эргашев Р.М. - Ички ишлар вазирининг ўринбосари
- Ниязходжаев С.П. - Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари
- Усманбеков Н.И. - МХХ Чегара қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари
- Шорахметов Ш.Ш. - Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг ўринбосари
- Асадов Б.З. - Савдо-саноат палатаси раисининг ўринбосари
- Шовахабов Ш.Ш. - Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғининг  
ўринбосари
- Хакимов Б.И. - "Ўзбекистон ҳаво йўллари" МАК бош директори в.б.
- Шукуров А.С. - "Ўзбекистон темир йўллари" АЖ бошқаруви раисининг биринчи  
ўринбосари
- Ибрагимов Р.Р. - Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари  
вазирлиги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг бошлиғи
- Жавлонов Ш.С. - Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини  
мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши раисининг биринчи  
ўринбосари
- Хайтмуратов С.Х. - Вазирлар Маҳкамасининг бош мутахассиси
- Мирзаев Ж.А. - Вазирлар Маҳкамасининг шуъба мудир
- Салихов Ф.М. - Вазирлар Маҳкамасининг шуъба мудир, *комиссия котиби*

**Изоҳ.** *Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига уларнинг  
ўрнига янгидан тайинланган ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган  
шахслар киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 23 январдаги  
42-сон қарорига  
2-илова

**Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг профилактикаси,  
шунингдек, хорижга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг  
хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳудудий ишчи гуруҳларнинг  
намунавий таркиби**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, *ишчи гуруҳлар раҳбарлари.*

2. Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳудудий бошқармаси бошлиғи, *ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосари.*

3. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг масъул ходими.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасининг масъул ходими.

5. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасининг масъул ходими.

6. Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси масъул ходими.

7. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳудудий бошқармаси раҳбари.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳудудий бошқармаси раҳбари.

9. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси масъул ходими.

10. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги масъул ходими.

11. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳудудий бўлинмаси раҳбари.

12. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, “Нуроний” жамғармаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси масъул ходимлари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари масъул ходимлари.

**Изоҳ.** *Ишчи гуруҳ аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига уларнинг ўрнига янгидан тайинланган ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.*



Вазирлар Маҳкамасининг  
2018 йил 23 январдаги  
42-сон қарорига  
3-илова

Давлат чегарасидан автомобилларни ўтказиш пунктлари  
Р Ў Й Х А Т И

Т/р	Ўзбекистон Республикаси		Чегарадош давлатлар		Ўтказиш пункти мақоми	Иш режими
	Ўтказиш пункти номи	Жойлашган жойи	Ўтказиш пункти номи	Жойлашган жойи		
<b>Қозоғистон чегарасидаги ўтказиш пунктлари</b>						
1.	Даут-Ата	Қорақалпоғистон Республикаси	Тажен	Мангистау вилояти	Халқаро	Кеча-кундуз
2.	Ғишт-Кўприк	Тошкент вилояти	Жибек Жолы	Жанубий Қозоғистон вилояти	Халқаро	Кеча-кундуз
3.	Яллама	Тошкент вилояти	Б. Конысбаев	Жанубий Қозоғистон вилояти	Халқаро	Кеча-кундуз
4.	Зангиота	Тошкент вилояти	Капланбек	Жанубий Қозоғистон вилояти	Халқаро	Кеча-кундуз
5.	Тошкент	Тошкент вилояти	Казыгурт	Жанубий Қозоғистон вилояти	Халқаро	Кеча-кундуз
6.	Гулистон	Сирдарё вилояти	Атамекен	Жанубий Қозоғистон вилояти	Халқаро	Кеча-кундуз
7.	Ок олтин	Сирдарё вилояти	Целинный	Жанубий Қозоғистон вилояти	Икки томонлама	Сутканинг ёруғ пайтида
8.	Малик	Сирдарё вилояти	Сирдарё	Жанубий Қозоғистон вилояти	Икки томонлама	Сутканинг ёруғ пайтида

Т/р	Ўзбекистон Республикаси		Чегарадош давлатлар		Ўтказиш пункти мақоми	Иш режими
	Ўтказиш пункти номи	Жойлашган жойи	Ўтказиш пункти номи	Жойлашган жойи		
<b>Қирғизистон чегарасидаги ўтказиш пунктлари</b>						
1.	Дўстлик	Андижон вилояти	Достук	Ош вилояти	Халқаро	Кеча-кундуз
2.	Хонобод	Андижон вилояти	Бекобод	Жалолобод вилояти	Халқаро	Кеча-кундуз
3.	Маданият	Андижон вилояти	Маданият	Жалолобод вилояти	Халқаро	Кеча-кундуз
4.	Ўзбекистан	Фарғона вилояти	Қизил-Қия	Зоткен вилояти	Икки томонлама	Кеча-кундуз
5.	Учқўрғон	Наманган вилояти	Кенсай	Жалолобод вилояти	Халқаро	Кеча-кундуз
6.	Мингтепа	Андижон вилояти	Кара-Багиш	Ош вилояти	Икки томонлама	Сутканинг ёруғ пайтида
7.	Косонсай	Наманган вилояти	Баймак	Жалолобод вилояти	Икки томонлама	Сутканинг ёруғ пайтида
8.	Пушмон	Андижон вилояти	Сейдикум	Жалолобод вилояти	Соддалаштирилган	Сутканинг ёруғ пайтида
9.	Кесканёр	Андижон вилояти	Интимақ	Ош вилояти	Икки томонлама	Сутканинг ёруғ пайтида
10.	Қорақўрғон	Наманган вилояти	Сумсар	Жалолобод вилояти	Соддалаштирилган	Сутканинг ёруғ пайтида
<b>Туркманистон чегарасидаги ўтказиш пунктлари</b>						
1.	Алат	Бухоро вилояти	Фарап	Лебап вилояти	Халқаро	Кеча-кундуз
2.	Талимаржон	Қашқадарё вилояти	Теллимержен	Лебап вилояти	Икки томонлама	Сутканинг ёруғ пайтида
3.	Дружба	Хоразм вилояти	Газоджак	Лебап вилояти	Халқаро	Сутканинг ёруғ пайтида
4.	Шават	Хоразм вилояти	Дашогуз	Дашогуз вилояти	Халқаро	Сутканинг ёруғ пайтида
5.	Хўжайли	Қорақалпоғистон Республикаси	Куня–Ургенч	Дашогуз вилояти	Халқаро	Сутканинг ёруғ пайтида

<b>Пункты пропуска на границе с Таджикистаном</b>						
1.	Гульбахор	Сурхандарьинская область	Айвадж	Хатлонская область	Международный	Круглосуточный
2.	Сариасия	Сурхандарьинская область	Братство	Турсунзадевский район	Международный	Круглосуточный
3.	Ойбек	Ташкентская область	Фотехобод	Сугдская область	Международный	Круглосуточный
4.	Андархон	Ферганская область	Патар	Сугдская область	Международный	Круглосуточный
5.	Джартепа	Самаркандская область	Саразм	Сугдская область	Международный	Круглосуточный
6.	Рават	Ферганская область	Работ	Сугдская область	Двусторонний	Светлое время суток
7.	Бекабад	Сырдарьинская область	Хаштьяк	Сугдская область	Двусторонний	Светлое время суток
8.	Пап	Наманганская область	Навбунъёд	Сугдская область	Двусторонний	Светлое время суток
9.	Плотина	Ташкентская область	Куштегирмон	Сугдская область	Двусторонний	Светлое время суток
10.	Хавастабд	Сырдарьинская область	Зафарабад	Сугдская область	Двусторонний	Светлое время суток
11.	Учтурган	Джизакская область	Хаватаг	Сугдская область	Двусторонний	Светлое время суток
12.	Кушкент	Джизакская область	Ура-тюбе	Сугдская область	Двусторонний	Светлое время суток